

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

Ғуломов Исломбек Икромжон ўғли
Ўзбекистон Республикаси Банк Молия
Академияси магистранти

Давлат харидлари нафақат бизнинг мамлакатимизда балки ҳақоро миқёсда жадал ривожланиб бораётган соҳадир. Шу сабабли бу тизим кўплаб олимлар, халқоро институтлар ва бошқалар томонидан билдирилган назарияларда, мақолаларда ва илмий ишларида муҳокама қилиниб келинмоқда. Соҳа қанчалик ривожлангани сари у ҳақида қарашлар, фикрлар хилма хиллиги ортиб боради. Бу эса ушбу соҳани давлат бошқарув тизимида муҳимлилик даражасини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида” ги қонунида давлат хариди тушунчасига “товарларни (ишларни, хизматларни) давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олиш” деб баён этилган бўлса Бюджет кодексига эса “давлат харидлари — бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) харидлари” деб фақат бюджет тизими бюджетлари қамровида тарифлаб ўтилган.

Аслида “Давлат харидлари” бу кенг қамровли тушунча эканлигини қуйидаги адабиётлардан келтирилган шарҳлар орқали айтиб ўтиш мумкин.

Жумладан Швецияда “Давлат харидлари - бу ҳукумат маъмурий сиёсатининг муҳим қисми ва унинг маъмурий сиёсат мақсадига эришишнинг муҳим воситаси, яъни юридик жиҳатдан аниқ ва самарали бўлган, юқори сифат, хизмат ва мавжуд стандартларини таъминлайдиган

марказий давлат бошқарувининг инновацион ва ҳамкорликдаги тизими” деган ёндашувлар мавжуд¹.

Ambe, I.M. va Badenhorst-Weiss, J.A.² эса “давлат харидлари давлат хизматлари ва товарларини етказиб бериш бўйича давлат ташкилотлари фаолиятининг кенг доирасини қамраб олади” деб ўз мулоҳазасини билдирган. Ушбу ҳолат тўғридан-тўғри ёки билвосита ҳукуматнинг ижтимоий ва сиёсий мақсадларига қаратилган бўлиб, улар “одатий нарсалардан тортиб то мураккаб ривожланиш ва қурилиш лойиҳаларига қадар” бўлиши мумкин.

Mazibuko, G va Fourie, D.J.³ давлат харидларини таърифлашда “давлат ва унинг органлари томонидан барча зарур товарлар ва хизматларни жамоат иши ёки манфаати асосида иш олиб боришда таъминот занжири тизими” деб таърифлашда тизимли ёндашувни қўшадилар.


Н.Дмитрий⁴ давлат харидлари тизимининг қуйидаги асосий мақсадларини ажратиб кўрсатади:

¹ Sweden National Public Procurement Strategy

² Ambe, I.M.; Badenhorst-Weiss, J.A. Procurement challenges in the South African public sector. J. Transp. Supply Chain Manag. 2012, 6, 243–261. Available online: <https://jtscm.co.za/index.php/jtscm/article/view/63> (accessed on 30 March 2020).

³ Mazibuko, G.; Fourie, D.J. Manifestation of unethical procurement practices in the South African public sector. Afr. J. Public Aff. 2017, 9, 106–117

⁴ Н.Дмитрий Руководство по закупкам: учеб. пособие/ Нац. исслед. ин-т “Высшая школа экономики”. – М.:Изд.дом Высшей школы экономики, 2013. -312с.



1-расм Давлат харидлари тизимининг асосий мақсадлари.

Наушан Хан⁵ фикрича Давлат харидлари давлат дастурлари ва лойиҳалари учун зарур бўлган товарлар, ишлар ва хизматларни сотиб олишга давлат маблағларини сарфлайдиган ҳукуматнинг муҳим тизимидир. Харид қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат идоралари ўз эҳтиёжларини прогноз қилишлари керак бўлган йиллик бюджетни тайёрлаш,
- бюджет маблағлари ажратилганидан кейин харидларни режалаштириш,
- харидлар режаларини бажариш.

Харид қилиш режалари тендер ёки таклифлар, шартномаларни тузиш ва шартномаларни бошқаришни ўз ичига олган харидлар цикли ёрдамида амалга оширилади. Ушбу тадбирларнинг асосий мақсади давлат дастурлари ва лойиҳалари орқали фуқароларга сифатли ва ўз вақтида хизматларни кўрсатишдир, уларни амалга ошириш давлат харидлари билан таъминланади.

⁵ Наушан Хан 2018 PUBLIC PROCUREMENT FUNDAMENTALS

Европа тикланиш ва тараққиёт банки маълумотларига кўра давлат сектори ва хусусий бозор ўртасидаги шартномавий ўзаро муносабатларни тартибга солувчи давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик базаси ҳукуматларнинг харид қобилятидан қандай фойдаланилишини белгилайди ва давлат сектори шартномалари бўйича шаффоф ва самарали рақобатни рағбатлантириши керак.

Шундай қилиб, давлат харидлари тўғрисидаги қонунларнинг сифати бевосита давлат сектори шартномалари асосида тақдим этиладиган товарлар, ишлар ва хизматларнинг сифатига таъсир қилади ва давлат сектори харажатлари даражасига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Давлат харидлари тўғрисидаги ескирган ёки самарасиз қонунлар чекланган давлат маблағларидан халос бўлиши мумкин ва фискал ислохотларга таъсир қилади.

Халқаро ва маҳаллий амалиётга таянган ҳолда хулоса қилиб айтадиган бўлсак, давлат харидлари жараёни иштирокчиларининг фаолиятидаги коррупция омилларини аниқлаш мақсадида ҳам амалга ошириладиган харидлар фаолиятини мониторинг қилиб бориш учун қуйидаги ахборот таъминоти индикаторларни кузатиб таҳлил қилиб бориш керак:

- ✓ харидларни ташкил этиш ва ўтказиш шартлари кўрсаткичлари;
- ✓ харидларнинг очиқлиги ва шаффофлиги кўрсаткичлари;
- ✓ харидларнинг рақобатбардошлиги кўрсаткичлари;
- ✓ харидлар ҳажмининг кўрсаткичлари;
- ✓ харидлар таркиби тузилмаси кўрсаткичлари;
- ✓ харид самарадорлиги кўрсаткичлари;
- ✓ харид параметрлари динамикаси кўрсаткичлари.

Шунингдек давлат харидлари соҳасидаги қонунчиликка доимий ва тўғри ўзгартиришлар киритиш зарурлиги, харидларни назорат қилиш учун фойдаланиладиган ягона кўрсаткичлар тўпламининг йўқлиги ва ўрта бизнесни

сотиб олиш тартиб-таомилларида иштирок этиш каби муаммоларни бартараф этган ҳолда соҳанинг ривожини таминлаш зарурдир.